

JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ ILIMLER

Ruwqılıq tiykarları. Tariyx. Huqıq tanıw

ТАЛАБАЛАРДА МАЪНАВИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА НИСБАТАН МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

А.Д.Аллияров – ассистент ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: кадрият, шахс, ёндашув, оила, миллий ва умуминсоний кадрият, шакллантириш, таълим.

Ключевые слова: ценность, личность, подход, семья, национальные и общечеловеческие ценности, формирование, воспитание.

Key words: value, personality, approach, family, national and universal values, formation, education.

Талабаларда маънавий ва умуминсоний кадриятларга нисбатан муносабатларни ривожлантириш

Талабалар маънавий кадриятларини ривожлантиришнинг унумдорлигини оширувчи хусусиятлар, уларнинг маънавий кадриятларга эркин ва ижобий муносабатда бўлиши, педагогик касби билан боғлиқ бўлган барча маънавий турларига қизиқиши, талабалар маънавий дунёсининг бойлиги, миллий ва умуминсоний кадриятларга бўлган муносабати ва онглик даражаси билан ҳам белгиланади. Ҳозирги замон социологик тадқиқотларида талабаларнинг миллий ва умуминсоний кадриятларни ўрганишга нисбатан қизиқишларига жиддий эътибор қаратилаётгани таъкидланмоқда, чунки ҳар қандай жамиятда белгиланган меъёрий қонуниятлар тизими бўлиб, унда миллий ва умуминсоний кадриятлар етакчилик қилади.

Мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида миллий ва умуминсоний кадриятларни шундай изоҳлайди: “Халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўрамиз. Мисол учун, тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган ибораларни олайлик..., бу тушунчалар кимдир шунчаки ўйлаб топган ширин калом, қулоққа хуш ёқадиган сўзлар эмас. Бундай тушунчалар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқараши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онгу шууримиздан чуқур жой олган буюк маънавий кадриятларнинг амалий ифодасидир” [1].

Халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуглаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли кадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фалсафий талқинда маънавий кадриятлар – инсон ва инсоният учун бекиёс аҳамиятга эга бўлган эркинлик, тинчлик, ижтимоий тенглик, ҳақиқат, маърифат, гўзаллик, яхшилик каби баркамол инсон учун ижобий аҳамият касб этувчи ҳолатлар йиғиндисидир.

Тадқиқотчи олим О.Мусурмоновнинг таъкидлашича, маънавий кадриятлар инсон томонидан қадрланадиган нарсалардан иборат бўлиб, кишиларнинг талаби, хоҳиши, қизиқиши ва мақсади асосида ўзаро муносабат, ўзаро таъсир натижасида вужудга келадиган ҳолатдир. Демак, кадриятларнинг моҳиятини педагогик нуқтаи назардан изоҳлаганимизда, инсоннинг маънавий эҳтиёжлари асосида пайдо бўлган, амалий фаолиятда давр синовидан муваффақиятли ўтган, ўз шакл ва мазмунда халқнинг маънавий оламини мужассам этган, асрлар давомида халқнинг маънавий маданиятини

шакллантириш манбаи сифатида қадрланиб келинган маънавий – руҳий ҳатти-ҳаракатлар, нарса ва ҳодисалар мажмуи [2].

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим тизимидаги ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчи меҳнат фаолиятининг маънавий кадриятларга йўналтирилганлигига боғлиқ. Бу кенг қамровли ва салмоқли омилар асосида ўқитувчининг бутун умри давомида амалга оширадиган кўп қиррали педагогик фаолияти мужассамлашган. Ўқитувчи ўзининг қизгин меҳнат фаолияти ва касбий маҳорати билан маънавий кадриятларга нечоғлиқ бой эканлигини таълим-тарбия жараёнида намоён этади. Унинг ўқувчилар жамоаси билан олиб борадиган таълим-тарбиявий фаолиятидаги барча ютуқлари ушбу кадриятлар туфайлидир. Талабалар олий таълим тизимида билим олиш билан бирга илмий тафаккурларини бойитиб келажакда касбий фаолиятларини безайдиган куйидаги маънавий кадриятлар тизimini мунтазам эгаллаб боришлари зарур:



2- чизма. Талабаларнинг таълим-тарбиявий фаолиятда ўзлаштириш лозим бўлган маънавий кадриятлар тизими.

Ўқитувчининг таълим-тарбиявий фаолиятдаги қизгин меҳнати эвазига талабаларда маънавий кадриятлар йиллар давомида такомиллаштириб боради. Ушбу қизгин меҳнат натижасида талаба маънавий кадриятларни ўзлаштириб қомиллик даражасида воёга етиши лозим, бунинг учун маънавият ва кадриятлар юксалиши, инсон кенг маънодаги маънавий шахсга айланиши керак. Ўқитувчи фаолиятининг натижаси бўлиши баркамол талаба келажакда юксак маънавиятни яратади ва ривожлантиради, умумбашарий кадриятларни асраб авайлаб келажак авлодга етказди. Ўқитувчининг билими, педагогик маҳорати, қизгин меҳнати талабаларни тарбиялашга, уларда ташаббускорлик, фаоллик, ишбилармонлик, ижодкорлик, тadbirkorlik ҳислатлари асосида маънавий онгини ривожлантиришга қаратилган. Жамиятдаги глобал ўзгаришлар, техник ва технологик тараққиёт, дунёвий фанлардаги ўзгаришлар ва янгиликлар талабалардан ижодкорликни талаб этади. Ижодкорлик эса талабалардан маънавий кадриятларни ўзлаштирган ҳолда фақат қизгин билим олиш эвазига содир бўладиган фаолият шаклидир. Талабалар:

- Маънавий қадриятларнинг моҳиятини онгли равишда ижодий муносабат сифатида англаши;
- келажакда ўзларининг ҳалол меҳнати билан, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий, моддий ва маънавий ривожланишига таъсир этишини виждонан ҳис этиши;

- ўз маънавий қадриятларининг бойлиги ва унинг натижаларидан ғурурлана олиши;

- олий таълим муассасаларида таълим олиш билан келажакда салоҳиятли касб эгаси бўлиш билан жамият олдидagi масъулиятини доимо ҳис этиши лозим.

Талабалар қандай маънавий қадриятларни талабалар йилларида ўзлаштириши мумкин, тадқиқотларимиз жараёнида ўқитувчиларга қуйидаги савол билан мурожаат қилдик: “Шахсан сиз дарс жараёнида талабаларга қандай маънавий қадриятлар ҳақида насиҳат қилган бўлардингиз?”. “Насиҳатлар”нинг асосий мазмуни ноаниқ, уларда педагогнинг индивидуаллиги ва мавзунини тез танлаш интуицияси сезилмайди. Машғулот жараёнида ўқитувчи доимо мазмунан бир хил насиҳатлар беради. Уларни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- сидқидилдан ўқиш зарурлигини эслатиш;
- маънавиятли бўлишга ундаш, виждонийликка чақириш;

- баркамол шахс сифатида шаклланиш зарурлиги ҳақида эслатиш;

- инсонийликни йўқотмасликка чақириш.

Бу чақириқ ва насиҳатлар замонавий таълим муассасаларида педагогларнинг маънавий қадриятларни тарғиб қилиш тажрибаси камлигидан далолат беради ва ушбу муаммолар ҳақида ўйлаб кўришга мажбур этади. Ўқитувчиларнинг жавоби баёнот ёки насиҳат қилиш хусусиятига эга бўлиши, ўта мавҳум ҳамда таъсирли чиқиши шарт эмас.

Ўқитувчининг касбий фаолиятидаги меҳнати натижалари унинг умуминсоний ва маънавий қадриятларга бўлган муносабати билан ўлчаниши европа олимларининг ҳам илмий тадқиқот ишларидан кенг ўрин олган. Жумладан, Н.В.Кухарев ўқитувчининг касбий фаолиятида умуминсоний қадриятларга нисбатан муносабатини туркумларга ажратиб, қуйидагича таъриф беради: “қадриятлар – ошқора ёки яширинган, индивидга ёки гуруҳга хос бўлган орзу истақ ҳақидаги тасаввур бўлиб, улар томонидан касбий фаолият юзасидан бажарилаётган меҳнат турларини, воситаларини ва мақсадларини танлашга таъсир кўрсатади” [3].

Педагогик жараёнда ўқитувчининг талабаларни маънавий қадриятларга йўналтириши ҳам олим томонидан кенг тадқиқ қилинган. У талабаларда маънавий қадриятларни такомиллаштиришга нисбатан қуйидаги муаммолар муҳим аҳамиятга эга деб таъкидлайди:

- 1) Ўқитувчининг жамиятга хос маънавий қадриятларни талабалар ўзлаштириши учун тарғиб қилиш қобилияти.

- 2) Ўқитувчининг ўқув-тарбиявий жараёнларда талабаларда умуминсоний ҳамда маънавий қадриятларни самарали тарғиб этиш истаги ва имкониятлари.

- 3) Тарғиб этилаётган маънавий қадриятларнинг талабалар томонидан мунтазам қабул қилиниши учун ўқитувчининг зарур шарт-шароитларни яратганлиги [4].

Педагог олимлар ўз тадқиқотларида талабаларнинг маънавий қадриятларга нисбатан муносабатини ва уларни бевосита ўзлаштири олиш қобилиятларига қараб иккита асосий турга ажратиб кўрсатадилар:

- 1) “Талабалар онгини ривожлантириш”га йўналтирилганлик: ушбу тоифадаги талабалар жамият томонидан белгиланган ижтимоий ахлоқий омиллارга

таянган ҳолда аввало ўзларида маънавий қадриятларни ҳар томонлама ривожлантиришга интиладилар.

- 2) “Таълим жараёнида бирорта маънавий натижага эришиш”га йўналтирилганлик: Ушбу тоифадаги талабалар, ўзларининг фақатгина ақлий ривожланишидан манфаатдордирлар. Ўзлаштирилган ўқув материалларини қатъий текшириб борадилар. Бундай йўналтирилганликда талабалар жамиятнинг фақатгина таълим соҳасига нисбатан муносабатларини бажариш билан боғлиқ фаолиятни олиб борадилар. Жамият таълим тизимидаги фаолиятлардан қониқмаган тақдирда ҳам, ушбу турдаги талабаларнинг маънавий олами устунлик қилади ва самарали деб тан олинади [5].

Маънавий қадриятлар субъект томонидан идеалга айланиши мумкин. Бу ҳолда ушбу қадрият – инсон ҳаётий позициясининг ўрнатилишига таъсир қилишга қодир ҳамда муҳим аҳамиятга эга бўлган мақсадли қадриятларга айланади. Маълум бир мақсадга йўналтирилмаган қадриятлар шахс фаолиятини бошқарувчи вазифасини бажариши мумкин, бунда у индивид онгида “ўз мақсадларига эришиш учун бўйсунушга тўғри келадиган” воситали қадриятлар сифатида намоён бўлади. Маълум бир мақсадга асосланган маънавий қадриятлар қарама-қарши йўналишларга эга бўлса, зиддиятларга дуч келиши мумкин. Мақсадли қадриятлар воситали қадриятларга нисбатан турғунроқ, бироқ воситали қадриятларга индивидуаллаштириш кўпроқ сезилади.

Кўпчилик олимлар идеал қадриятларни талабаларнинг таълим-тарбиявий фаолияти мазмуни деб, уларни педагогик қадриятлар деб ҳисоблайдилар ва улар қаторида кўпинча қуйидагиларни эътироф этадилар: хусусий нуфуз; юқори даражадаги маънавий баркамоллик; креативлик; халқимизнинг умумбашарий ва маънавий қадриятларини фаол ўзлаштириб бориш; жамиятда ўз ўрнини топиш ва ижтимоий алоқалар асосида ривожлантириш; маънавий қониқиш билан ўз муваффақиятларини эътироф этиш; ўз индивидуаллигини маънавий қадриятлар асосида саклаб қолиш.

Хулоса қилиб айтганда талабаларнинг таълим-тарбиявий фаолиятида муҳим аҳамият касб этувчи маънавий қадриятлар ўқитувчининг қизгин педагогик фаолияти эвазига шаклланиб боради. Талабаларнинг маънавий қадриятларини ривожлантириб бориш учун ўқитувчи педагогик фаолиятда қуйидагивоситалардан доимий фойдаланиши лозим:

- ўқитувчи талабаларнинг жамиятга хос маънавий қадриятларини ривожлантиришни педагогик фаолиятининг асоси деб билиши;

- талабаларда маънавий қадриятларни ўзлаштиришнинг самарали ечимларини ўқитувчи фидокорона меҳнати эвазига топиш имкониятларининг ҳамиша мавжудлиги;

- талабаларнинг маънавий қадриятларни мунтазам равишда ўрганиб боришлари учун ўқитувчи томонидан зарур шарт-шароитларнинг яратилиши.

- ўқитувчи томонидан талабаларни китобхонликка нисбатан мотивациясини кучайтирган ҳолда умумбашарий маънавий қадриятларни ўзлаштиришга доимий ўргатиб бориш.

Бундай йўналтирилганлик мазмунида жамиятнинг таълим соҳасида олиб бораётган ислохотлари мазмуни ва моҳияти ифодаланган. Шунинг учун ўқитувчи педагогик фаолиятининг асосий моҳиятида талабаларда маънавий қадриятларга нисбатан муносабатларни ривожлантириш бўлиши лозим. Талабалар ўз навбатида интеллектуал онг, юксак маънавият, асрий анъаналарга ва умумбашарий қадриятларга таянадиган, замоннинг илғор ютуқларидан озиқланадиган миллий дунёқараш ва эътиқод каби мезонларни ҳам ўзлаштириши керак.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: “Ўзбекистон”. 2009, 176-б.
2. Мусулманова О Юкари синф укувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари. // Пед. фан. докт. ...дисс. –Тошкент:1993, 364-б.
3. Кухарев Н.В. На пути к профессиональному совершенству. Книга для учителя. –М.: “ Просвещение” 1990, -С.159.
4. Мажидова Ш.Н. Педагогические основы целостного развития личности будущего учителя в процессе профессиональной подготовки. Автореферат дисс кан пед наук. –Тошкент: 2004, 24-б.
5. Каххарова М. Жамиятда маънавий-ахлокий мухит. // Муаммо ва ечимлар. Автореф..... фал.фан док. –Т.: 2012, 56-б.

РЕЗЮМЕ

Маколада талабалар бой миллий маданий-тарихий анъаналар, урф-одатлар ҳамда умумбашарий кадриятларга асосланган самарали ташкилий-педагогик механизмлари ишлаб чиқиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқишнинг долзарб аҳамияти ҳақида фикрлар билдирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье даётся обзор роли студентов в разработке эффективных организационно-педагогических механизмов, основанных на национальных культурно-исторических традициях и общечеловеческих ценностях, разработке методологической базы для углубления демократических реформ и развития гражданского общества.

SUMMARY

The article provides an overview of the role of students in the development of effective organizational and pedagogical mechanisms based on national cultural and historical traditions, traditions and universal values, and the development of a methodological basis for deepening democratic reforms and developing civil society.

ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ҒОЯВИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

О.Базаров - *тадқиқотчи*

Ўзбекистон миллий университети

Таянч сўзлар: ғоявий тарбия, юксак маънавият, баркамоллик, юрт тинчлиги, ватан равнақи, оила, онглилик.

Ключевые слова: идейное воспитание, высокая духовность, совершенство, мир на земле, процветание родины, семьи, самосознание.

Key words: ideological education, high spirituality, perfection, peace on earth, prosperity of the Motherland, family, self-awareness.

Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига таҳдид солаётдиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлокий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишига интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир [1:27].

Шавкат Мирзиёев

XXI асрнинг бошларига келиб жаҳон халқлари ҳаётида юз берган ўзгаришлар – яъни йирик империяларнинг парчаланиши, мустақил давлатларнинг барпо бўлиши, жамият бошқарувидаги ўзгаришлар, халқаро муносабатларнинг интеграциялашуви ва интенсивлашуви, энг муҳими, глобаллашув жараёниларнинг тезлашуви ва бошқалар моддий ва маънавий ишлаб чиқариш диалектикасини чуқурроқ ўрганишни асосий масалалардан бири сифатида кун тартибига кўйди. Чунки, глобаллашув жараёни билан боғлиқ зиддиятлар аввало маданият ва маънавият соҳаларида яққол намоён бўлиб, миллатларнинг маънавий-ахлокий кадриятларига таҳдид солишида, ғоявий таъсир кўрсатишида ўз аксини топмоқда.

Маълумки ғоявий тарбия суёт бўлган ёки тўғри олиб борилмаганда инсон онгида ғоявий бўшлиқ пайдо бўлиб, бу бўшлиқни шу миллатнинг табиатига ёт ғоялар эгаллаб олиши ва турли мафкуравий тазйиқлар ўз зарарли таъсирини ўтказиши муқаррар. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун эса, ғоявий-сиёсий соҳада ёшларни сиёсий-ғоявий жиҳатдан чиниқтириш, ақлий салоҳияти, дунёқараши эндигина шаклланаётган авлод қалбида миллий ғурур туйғуларини кучайтириш, Ватан, Миллат ва Истиқлол тушунчаларини кадрият даражасига кўтариш борасидаги қатор таъсирчан тадбирларни изчил амалга оширишни тақозо этмоқда.

Ҳозирги даврда эркин фуқаро маънавияти шаклланишига қаратилган ғоявий тарбия – гуманистик эътикод ва рационал-танқидий дунёқарашни англатади. Афсуски, XXI аср ғайриинсоний, аксидемократик мафкуралар, айниқса, маънавий тубанликни улуғловчи, инсоннинг тубан инстинктлари (инсондаги ғайриинсонийлик)ни кучайтиришга қаратилган ғоялар ва қарашларнинг очик ва яширин таҳдиди ошаётган давр бўлмоқдаки, бундай шароитларда ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан, тарбият илми ҳам бўлган фалсафа ёшлар руҳиятига салбий таъсирлар кўрсатувчи

турли қарашларга, мафкураларга қарши кадриятвий мўлжалларни шакллантириш муммоларини ечишга қодир бўлмоғи керак. Мазкур муаммолар ўз вақтида ечимга эга бўлмаслиги эса, жамиятда маънавий таназзулни кучайтиради, шунингдек, секуляризациялашган жамиятлардан фарқли равишда азалий исломий жамиятларнинг дунёвий тараккиётига доимий хавф солиб турувчи диний фундаментализмнинг таҳдидига чек қўйилиши янада мураккаблашади. Демак, «ҳар қандай тарбия жараёни охир-оқибат, ўз мақсад ва моҳиятига кўра ғоявий тарбиядир» [2:7].

“Ғоявий тарбиялаш деб, кишиларнинг онги ва тафаккури тизимида шу йўналишдаги дунёқарашни, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлокий, бадиий, касбий ва бошқа тамойилларни муайян мафкура асосида мақсадли шакллантириш жараёнига айтилади. Мафкуравий тарбия эса, инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараёндир [3:383].

Хўш, ғоявий тарбия қаерларда олиб борилади? Ғоявий тарбия:

- оила;
- таълим муассасалари;
- маҳалла;
- ижтимоий-оммавий институтлар;
- меҳнат жамоалари ва бошқаларда олиб борилади.

Ғоявий тарбияда тарбияланувчиларнинг ривожланишини ёши, типологик ва индивидуал хусусиятларининг ҳисобга олиниши қатор педагогик муаммоларнинг олдини олади. Масалан: бола ёши ошиб борган сари ота-онадан узоқлаша боради ва ўсмирлик даврида бузғунчи ғояларга кириб кетиш хавфи туғилади. Ота-оналар болани физиологик ёшини ҳисобга олмайди ва бу камчилигини, хатосини улар англашмайди. Оилавий шароити ночор бўлган бола ота-оналаридан норози бўлиб, 14-15 ёшга етганда оиласидан, ота-онасидан ҳар хил камчиликлар топиб, айблай бошлайди, яъни унда оппозицион – муҳолиф фикр туғилади. Ёшлиқдаги ота-она норозилиги улғайган сари жамиятга, давлатга қарши бузғунчи ғояларга айланиши мумкин. Оилада ота-оналар, фарзандлар ўртасидаги ўзаро ишонч